



ЎАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ЎЗИГА ҲОС ЖИҲАТЛАРИ

Мусаев Умидбек Максудбекович

Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди
судьяси

Кахаров Ойбек Нақшбанд ўғли

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактабининг “Жиноят ҳуқуқи” ихтисослиги бўйича
магистратура тингловчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8149680>

ARTICLE INFO

Received: 07th July 202

Accepted: 14th July 2023

Online: 15th July 2023

KEY WORDS

Ўарбий хизматни ўташ тартиби, дезертирлик, бўйин товлаш, тобе шахс.

ABSTRACT

Мазкур мақола ўарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларни судда кўришнинг амалий жиҳатларига бағишланган. Мақолада ўарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар тушунчаси ва уларни судда кўриб чиқиш юзасидан таҳлили қилинган.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш йўлидаги ислоҳотлар тобора жадал суръат касб этмоқда.

Республикаимизда бошқа соҳаларда изчил давом этаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш баробарида ёш мустақил давлатимизнинг мудофаа қобилияти ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилиб ва ўзининг маънавий ҳамда интеллектуал қадриятларини тиклаш, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда туб ўзгаришларни амалга ошириш йўлига ўтиб, ҳуқуқий-демократик давлат барпо этмоқда. Ўтказилаётган демократик ислоҳотларни амалда рўёбга чиқаришда жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлаш ва давлатнинг пухта хавфсизлигини таъминлаш мамлакатимиз учун долзарб масалалардан биридир.

Юқоридагиларни назарда тутиб, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ўзининг мудофаа сиёсатини барча мамлакатларнинг тинч-тотув яшаши, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, уларнинг мустақиллигини, шунингдек давлатлараро таркиб топган чегараларнинг бузилмаслиги ва ўзгармаслигини ҳурмат қилиш принципларига асослайди.

Ўзбекистон халқаро муносабатларда тинчликсеварлик йўлидан борар экан, айти чоғда ўз фуқароларининг ҳаёти ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш вазифасини ўз зиммасига олади, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомига биноан ўзини ўзи мудофаа қилишдек ажралмас ҳуқуқини амалга ошириб, давлатнинг ўарбий қудрати ва мудофаа қобилияти оқилона зарурат даражасида бўлишини таъминлайди.



Давлатнинг ҳар томонлама барқарор ва тадрижий ривожланишида ҳарбий сиёсат стратегик аҳамият касб этади. Ҳарбий сиёсатнинг қанчалик тўғри йўлга қўйилганлиги бу соҳадаги давлат органларининг мўътадил фаолияти, юксак мудофаа қобилият ва ҳарбий куч-қудратга эгаллиги билан белгиланади.

Афсуски, жиноят деган салбий ижтимоий ҳодиса бу соҳани ҳам четлаб ўтмаяпти. Бу эса, ўз навбатида, ҳарбий сиёсатнинг самарадорлигига, пировардида эса, давлатнинг мудофаа қобилияти ва жанговар шайлигига жиддий путур етказди. Бу ерда давлатнинг жиноятчиликка қарши курашиш механизми ҳаракатга келади. Яъни, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”, “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонунлари, бошқа қонун ҳужжатларининг нормалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти тасдиқлаган умумҳарбий низомлар ва уларга асосан бериладиган командирлар ва бошлиқларнинг буйруқлари билан мустаҳкамлаб қўйилган ҳарбий-хизмат муносабатлари махсус жиноят-ҳуқуқий нормалар орқали муҳофаза қилинади.

Бу жараёнларни мукамал ишлаб чиқилган ҳуқуқий асосни яратмасдан туриб, уларни такомиллаштирмасдан туриб кўзланган пировард мақсадга эришиб бўлмайди.

Қуролли Кучлар ва бошқа ҳарбий тузилмалар фаолиятининг асосини ҳамда уларнинг ўз вазифаларини бажаришининг кафолатини ҳарбий хизматни ўташ тартибига қатъий ва сўзсиз риоя қилишни тақозо этади.

Бу ўринда судларни ҳам урни жуда муҳим. Фикримиз бўйича судлар шуни назарда тутишлари лозимки, ҳарбий жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги уларнинг қўшинлар ҳарбий интизоми ва жанговар тайёргарлигини сусайтириб, мамлакатнинг мудофаа лаёқатига путур етказишдир.

Агар таҳлил қиладиган бўлсак, ҳарбий хизматчилар орасида ҳарбий хизматни ўташдан бўйин товлаш, ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш ва бошқа ҳарбий жиноятлар содир этилмоқда. Бундан ташқари, ҳарбий хизматчилар томонидан оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилиш ҳоллари учрамоқда.

Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш амалиёти шуни кўрсатадики, судлар жиноят қонунчилигининг умумий асосларини қўллашда, ҳарбий жиноятларни тавсифлаш ҳамда жазонинг тури ва миқдорини белгилашда айрим ҳолларда муайян қийинчиликларга дуч келмоқдалар.

Шу боис, ҳарбий жиноятларнинг тушунчаси ва сабабларига аниқлик киритиш ҳамда бу ҳолатда судларнинг ролини англашимиз лозим.

Ушбу ҳолатларни кўриб чиқадиган бўлсак, қуйдагиларни муҳокама қилиб уларга эътибор беришимиз керак бўлади. Жумладан, ҳарбий жиноятлар деганда, ҳарбий хизматчилар томонидан, шунингдек ҳарбий йиғинлар вақтида ҳарбий хизматга мажбур шахслар томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши содир этилган жиноятлар тушунилади.

Ҳарбий хизматни ўташ тартиби – қўшинлар ҳаёти ва жанговар фаолияти жараёнида юзага келадиган муносабатлар бўлиб, улар қонунлар, ҳарбий қасамёд ва низомларда белгилаб қўйилган. Ушбу ҳужжатларда ҳарбий хизмат фуқаронинг конституциявий бурчи эканлиги, яқкабошчилик ва ундан келиб чиқадиган тобе



шахснинг бошлиққа сўзсиз итоат қилиши, ушбу муносабатлар субъектлари ҳуқуқ ва эркинликларининг аниқ белгилаб қўйилиши каби ҳарбий ташкилот тамойиллари мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳарбий жиноятларнинг субъекти Ўзбекистон Республикаси Қуроли кучлари (Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг қоровул қўшинлари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматининг давлат чегарасини ҳимоя қилиш кўмитаси), Миллий хавфсизлик хизмати, бошқа вазирлик ва идораларнинг ҳарбий бўлинмалари ҳарбий хизматчилари, шунингдек, уларда ҳарбий йиғинларни ўтаётган шахслар бўла оладилар.

Жиноят ишларининг ҳарбий судлар судловига тегишлилиги “Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги [Низомда](#) белгиланган.

Жумладан, ҳарбий судлар судловига фавқулодда ҳолатларга кўра умумий судлар фаолият кўрсатмаётган жойлардаги барча жиноят ишлари, давлат сирларига дахлдор ишлар, шунингдек ҳарбий хизмат даврида ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган, бироқ иш судда кўриладиган пайтга келиб ҳарбий хизматдан бўшатишган шахслар содир этган жиноятлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Шунинг учун ҳам судлар судловига тааллуқлилиқ ҳақидаги қонун талабларига қатъий риоя этишлари лозим.

Агар ҳарбий жиноятларга тушунча берадиган бўлсак, кўйидагиларга эътибор қаратишимиз мумкин. Яний, ҳарбий хизматдан бўйин товлаш қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, дезертирлик, бирор-бир аъзосини майиб қилиш, шунингдек бошқа усуллар билан содир этилади.

Ҳарбий хизматчининг бир кеча-кундуз (сутка) дан ортиқ вақт давомида хизмат жойида узрли сабабларсиз ҳозир бўлмаслиги қисмни ўзбошимчалик билан ташлаб кетишни ташкил қилади.

Қариндош ва танишларни бориб кўриш, хизмат ҳордиғини чиқариш, оилавий ва шахсий ишларни бажариш, вақтинчалик муаммоларни ҳал этиш истаги каби сабаблар қисмни ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш ҳолларига хосдир.

Дезертирлик деганда, ҳарбий хизматдан бутунлай бўйин товлаш мақсадида ҳарбий қисмни ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, шунингдек ўша мақсадда хизмат жойига етиб келмаслик тушунилади.

Ҳарбий хизматчи дезертирлик содир эта туриб, қонунга хилоф равишда ҳарбий хизматни ўташни тугатади ва ўзини ҳарбий хизмат муносабатлари доирасидан четга олишга интилади. Субъект (шахс) ҳарбий хизматдан бўйин товлаш мақсадида ҳарбий қисм ёки хизмат жойини тарк этган пайтдан бошлаб дезертирлик жинояти тугалланган ҳисобланади ва шу пайтдан жавобгарликка тортиш муддатини ҳисоблаш бошланади. Бундай мақсад мавжуд бўлганда ўзбошимчалик билан ўз жойида бўлмасликнинг давомийлиги аҳамият касб этмайди.

Дезертирликка хос аломатлар айбдор томонидан сохта ҳужжатлар тўғрида олиш, фуқаровий кийимга қайта кийиниб олиш, ҳарбий кийимни йўқ қилиш, ишга жойлашишга ёки яшаш учун бошқа доимий манба топишга уриниш кабилардир.



Хизмат жойида бўлмасликнинг давомийлиги содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини баҳолаш ва айбдорга жазо тайинлаш пайтида аҳамиятга эга бўлади.

Дезертирликни содир этган шахснинг асосий сабаб қилиб кўрсатадиган важлари - ҳарбий хизмат қийинчиликлари ва маҳрумликларини бошдан кечиришни истамаслик, доимий равишдаги шахсий ва оилавий муаммоларни ҳал қилишга интилиш, ҳарбий хизматни ўташ даврида содир этган жинояти учун жавобгарликдан қочиш ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Бирон аъзосини майиб қилиш орқали ҳарбий хизматдан бўйин товлаш - ҳарбий хизматчининг ўз соғлиғига зарар етказишидан иборат. Бу ҳаракат қасддан, сунъий йўл билан бирон-бир аъзо ёки тана тўқимасига зарар етказиш (масалан, оёқ ёки қўл бармоқлари), бирон-бир аъзо функциясини бузиш (масалан, ошқозон, юрак фаолиятининг бузилиши), бирон-бир касалликни сунъий равишда чақириш ёки мавжуд касалликни кучайтириш орқали содир этилади.

Соғлиққа зиён ўқотар ёки совуқ қурооллар, кесадиған ёки санчиладиган буюмлар, турли хил заҳарли моддалар, бошқа механик, иссиқлик ёки уларга ўхшаш воситалар билан етказилиши мумкин. Бўйин товлаш таркиби учун аъзони майиб қилиш қандай йўл билан содир этилганлиги аҳамиятсиз.

Касалликни симуляция қилганда ҳарбий хизматчи, ҳақиқатда соғ бўла туриб, ҳарбий хизмат мажбуриятларини ўташдан озод бўлишга рухсат олиш мақсадида, гўёки ўз ҳарбий бурчларини бажаришга ҳалал бераётган касалликлари, жисмоний ёки руҳий камчиликлари борлигини рўқач қилиб, ўзини ёлғондан касалга солади.

Ҳужжатни қалбакилаштириш усули орқали бўйин товлаш шундан иборатки, бунда ҳарбий хизматни ўташдан озод бўлиш мақсадида ҳарбий хизматчи ўз қўмондонига сохта ҳужжат тақдим этади. Барча ҳолларда қалбакилаштиришнинг моҳияти шундаки, ҳужжатда кўрсатилган воқеа ва ҳодисалар амалда мавжуд бўлмасдан, уларга таянган ҳолда ҳарбий хизматчи ўзини вақтинча ёки доимий равишда ҳарбий хизмат мажбуриятларини ўташдан озод қилишни илтимос қилади.

Ҳужжатларни қалбакилаштириш-бўйин товлаш объектив томонининг муқаррар белгиси эканлиги сабабли, уни Жиноят кодексининг ҳужжатларни қалбакилаштириш учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси билан қўшимча тавсифлаш талаб қилинмайди.

Бўйин товлашнинг усули сифатида бошқа алдов - ҳарбий хизматни ўташдан озод бўлиш мақсадида воқеа ёки ҳодисалар тўғрисида, била туриб, ёлғон маълумот етказиш ёки мазкур ҳолатлар ҳақида хабар беришга бурчли бўла туриб, ўша мақсадда онгли равишда хабар бермасликдан иборат.

Ҳарбий хизмат вазибаларини ўташдан бош тортиш ҳарбий хизматчи томонидан очиқдан-очиқ, ёлғон ишлатмасдан, оғзаки, ёзма ёки бошқа йўл билан ҳарбий хизматни ўташ ёки унинг баъзи мажбуриятларини бажаришни истамасликда ва амалда уларни бажармай қўйишда намоён бўлади.

Тобе шахснинг ўз қўмондонининг муайян топшириқларини бажаришдан бош тортиши (масалан, хизмат сафарига жўнаш, суткалик нарядга киришиш ва ҳоказо) ҳарбий хизматдан умуман бош тортиш сифатида кўрилиши мумкин эмас. Бундай



ҳаракатлар бўйсунмаслик жинойти таркибини ташкил қилади, чунки, бундай ҳолда қўмондон талаби буйруқ хусусиятига эга бўлиб, ҳаракат эса, ҳарбий хизматни ўташдан бош тортишга эмас, балки, буйруқни очиқдан-очиқ бажармасликка қаратилган.

Баъзи ҳолларда қонунга ва Қуролли Кучлар Умумҳарбий низомларига мувофиқ ҳарбий хизматчилар махсус ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар (жанговар навбатчилик, суткалик ёки гарнизон нарядларида бўлиш ва ҳоказо).

Судлар бунда қўйидаги ҳолатга этибор бериши керак, жумладан, ҳарбий хизматчилар томонидан махсус хизматни ўташ қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик (махсус субъект) Жинойт кодексининг [291-294-моддаларида](#) белгиланган.

Хулоса қилиб, шуни айтишимиз мумкинки, “Мудофаа тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига мувофиқ, Қуролли Кучларнинг устувор вазифаси мамлакат ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, давлат суверенитети, миллий манфаатлари, ҳудудий яхлитлиги, аҳолининг тинч ҳаётини ташқи ва ички агрессиядан ҳимоя қилишдан иборат. Давлатнинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларнинг жанговар шайлигини, унинг имкониятлари ва қобилиятини кучайтириш 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясининг устувор мақсадларидан бири. Кўзланган мақсадларга қонунийликни таъминламай туриб эришишнинг имкони йўқ. Бу эса ўз навбатида ҳуқуқий, шу жумладан жиноий-ҳуқуқий тартибга солиш механизмини такомиллаштириб боришни талаб қилади. Шу билан бирга, мазкур вазифаларни уларни амалга оширишга оид аниқ механизмларсиз бажариб бўлмайди. Амалга ошириш механизмлари эса шу соҳадаги ижтимоий муносабатларни жиноий-ҳуқуқий кўриқлаш самарадорлиги билан чамбарчас боғлиқ.

References:

1. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. 14.12.2016 йил.
2. Жинойт кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017-йил 4-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлдаги "Мудофаа тўғрисида"ги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонуни.
5. www.gov.uz–Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали